

Ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди.

Шавкат Мирзиёев

Шоислом АКМАЛОВ,
сиёсий фанлар номзоди, доцент



ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАСКАНИ

Диний-маърифий соҳадаги дадил ва шижоатли ислоҳотлар натижасида илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш янада жадаллашди. Ўзбек халқининг асрлар давомида шакллланган маънавиятини халқ томонидан ардоқланиб келинаётган миллий ва исломий қадриятлардан ажраган ҳолда тасаввур қилиш амри маҳол.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби диннинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятидаги мавқеини мустаҳкамлаш айни пайтда муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Динга оид масалаларни одилона ёндашув билан ҳал қилиш, бу соҳага эътибор қаратиш талаба-ёшларимиз тафаккурини шакллантиришда шубҳасиз муҳим рол ўйнайди.

Дунёда кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар: диний тусдаги келишмовчиликлар, экстремистик тарғиботлар таҳлиллари ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш учун малакали, замон талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратишни кун тартибига долзарб масалалардан бири сифатида қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги асо-

сий йўналишларни белгилаб берди. Фармонга кўра, Ўзбекистон ислом академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган, ақлий ва маънавий салоҳиятли, ҳозирги давр муаммоларига академик нуқтаи назардан ечим изловчи диншунос ва исломшуносларни тайёрлаш, самарали илмий тадқиқотлар олиб бориш, аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш академиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Бакалавр ва магистрларни ўз ахлоқи билан ўрнатилган бўлувчи, маънан соғлом ва ҳуқуқий онгли ҳамда сиёсий маданиятли шахслар қилиб етиштириш ҳам олийгоҳнинг бурчларидандир.

Айни пайтда, бу борада амалга оширилаётган ишлар гарчанд шаклланиш жараёнида бўлса ҳам эътирофга сазовор.

«Ўзбекистон ёшлари бузғунчи ғояларга қарши» деб номланган Республика ижодий танловида академиянинг «Диншунослик» йўналиши 2-босқич магистранти Б.Ботиров биринчи ўринни қўлга киритгани, Халқаро муносабатлар йўналиши 1-босқич талабаси С.Худойқу-

лова Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказилган «Республика ёш олимпиярининг инновацион грант танлови»да 10 млн. сўмлик грант соҳибига айлангани, «Диншунослик» йўналиши (рус гуруҳи) 2-босқич талабаси Д.Шокирова МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган таэквондо бўйича чемпионатда учинчи, Ўзбекистон чемпионатида икки карра биринчи ўрин соҳибаси бўлгани қувончли ҳол албатта.

402 нафар талабани қамраб олган 42 номдаги фан ва спорт тўғараклари фаолият юритаётган Академия профессор-ўқитувчиларининг асосий мақсади Республика аҳолисининг диний саводхонлигини ошириш, ёшларни дин ниқоби остида йўлдан оздириш учун қилинаётган уринишлардан сақлаш, уларнинг ғоявий иммунитетларини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда ижтимоий-маънавий, диний-маърифий муҳитни соғломлаштиришдир. Шу боис 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг моҳиятини ОАВ орқали ёритишда, ушбу ҳужжат мазмунини халққа етказишда Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларни диний ақидапарастлик ва экстремизмдан ҳимоя қилиш мақсадида Республикаимизнинг турли ҳудудларида 270 га яқин учрашув, семинар, давра суҳбатларида умумий ҳисобда 25 мингдан зиёд киши қатнашган. Бундан ташқари, ҳарбий қисмлар ҳамда ҳарбий ўқув юртларида ислом динининг асл моҳияти, экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари ҳақида вакилларимиз маъруза қилишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахт аҳолисининг ижтимоий-маънавий муҳитини яхши-

лаш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳларда Академиянинг 60 га яқин профессор-ўқитувчилари ва докторантлари иштирок этди.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш, диний-маърифий кўрсатувлар сони ва сифатини ошириш, айниқса, ёшларга миллий-диний қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва диний экстремистик ғояларга қарши аксилтарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида Академия вакиллари имом-хатиблар билан ҳамкорликда марказий телеканаллар орқали «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида» ва «Имом Бухорий сабоқлари» деб номланган кўрсатувлар, иқтидорли талаба-ёшлар иштирокида «Ориат доно» ва «Наврўз» радиоканаллари орқали радио эшиттиришлар мунтазам тарзда эфирга узатилиб борилади.

Республикаимизнинг турли чеккаларида ташкил этилган маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида «O'zbekiston», «Yoshlar», «Toshkent», «Mahalla», «Madaniyat va ma'rifat», «MY5» телеканалларида «Зиё» медиамаркази томонидан тайёрланган «Илмдан бошқа нажот йўқ», «Шукрона», «Ҳизбут таҳрир фитнаси», «Имом Бухорий мактаби», «Ўзбекистон халқаро ислом академияси», «Ҳадис илми мактаби» каби махсус фильм ва видеороликлар намоиш этилди. Айни пайтда ушбу фильм ва лавҳаларни ziyonet ва youtube.com медиапортали орқали ҳам томоша қилиш мумкин.

Мамлакатимиз келажаги пойдевори бўлган бугунги давр ёшларининг ҳар томонлама билимли, касбий жиҳатдан юксак маҳоратли, миллий ғояда собит ҳамда юқори интеллектли бўлишида академиянинг ҳар бир аъзоси масъулдир. Шу боис ислом мусаффолигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварлик ғояларини ёшларга етказишга қодир, илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш каби муқаддас вазифа бундан кейин ҳам академия вакилларининг эзгу мақсади бўлиб қолади.